НАВОИЙ ҒАЗАЛЛАРИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ТАЖРИБАСИДАН

Б.Тўхлиев

В статье на примере анализа одной газели А.Навои рассмотрены особенности эстетического отношения лирического субъекта к объективной действительности.

In this article given the example one poems of À.Navoiy considers the aesthetic attitude of the lyrical subject to the objective validity.

Бадиий адабиёт олам ҳодисларини мутлақо ўзига хос тарзда тасвирлайди. Шунинг учун ҳам айрим китоблар бир ўтиришдаёқ ўқиб чиқилади. Адабиёт учун яхши ва ёмон, гўзал ва хунук, оқ ва қора шунчаки сифатлар эмас. У олам ва олам ҳодисаларининг ўзига хос баҳоси ҳамдир. Адабиёт оламни муайян баҳолар билан бирга тасаввур қилади, худди шундай тақдим этади.

Масалан, чиройли, хунук деган тасаввурлар бор, яхши, ёмон деган тушунчалар бор. Адабиётда уларнинг тасвирланишида ўзига хос меъёр ва мезонлар мавжуд. Аммо бу меъёр ва мезонларнинг турли давр, оқим, жанр ва услубларга кўра товланиб туришини ҳам эсда тутиш керак бўлади. Жумладан, қадимги туркий адабиётдаги шу андозаларнинг классик адабиётдагидан фарқ қилишини, ёки улар билан ҳозирги адабиётдаги айни ҳодисалар орасида жиддий тафовутлар борлигини ҳис этиш қийин эмас.

Буларнинг барчаси талабаларга бадиий адабиётни таҳлил ва талқин қилишда ўзига хос ёндашувлар борлигини узвийлик ва узлуксизлик тамойилларидан келиб чиқиб тушунтиришни тақозо этади. Ҳар бир ҳодисанинг асл моҳиятини тўғри баҳолаш учун унга нисбатан методологик ёндашувнинг ўзи аниқ ва пухта бўлиши талаб этилди.

Навоийнинг қуйидаги ғазалини кўриб чиқайлик:

Эй сабо, ҳолим бориб сарви хиромонимға айт,
Йиғларимнинг шиддатин гулбарги хандонимға айт.
Буки анинг аҳду паймонида мен ўлсам дағи
Яхши фурсат топсанг, ул бад[1] аҳду паймонимға айт.
Буки анинг зулфи зуннорида диним ҳосили
Куфр ила бўлмиш мубаддал[2], номусулмонимға айт.
Буки қилмишмен жаҳону жонни анинг садқаси,
Юз туман жону жаҳондин яхши жононимға айт.
Буки юз жон садқаси қилсам пушаймон бўлмағум,
Васлиға бир ва'да қилғандин пушаймонимға айт.
Буки юз минг фитнакўзлуг бўлса пайдо онсизин,
Қилмағум наззора ҳаргиз кўзи фаттонимға[3] айт.
Буки чок айлаб йоқа, усрук[4] чиқар эл қасдиға,
Мен ўлуб эл жон топар, бебоки нодонимға айт.
Даҳр боғи гуллари ҳуснин вафосиз эрканин,
Юзи гул, жисми суман[5], кўйи гулистонимға айт.
Эй Навоий, ҳеч гулшаннинг сенингдек хушнаво
Булбули йўқ эрканин шоҳи сухандонимға айт.

Бир қарашда ошиқнинг дил изҳорига оид туйғулар ифодаси акс этаётгандай кўринса-да, аслида объектив воқеликка бўлган эстетик муносабат ифодаси бош ўринда турганлигини пайқаш ҳам қийин эмас. Ошиқ сабога мурожаат қилади:

Эй сабо, ҳолим бориб сарви хиромонимға айт,
Йиғларимнинг шиддатин гулбарги хандонимға айт.

Сабодан кутилаётган илтифот битта: ёрнинг ҳолатини, чекаётган изтиробларини маъшуқага етказиш. Аммо маъшуқа оддийлар қаторида турмайди. Унинг биринчи белгиси – "сарви хиромон"лигида. Ошиқнинг "ҳоли" унинг "йиғларимнинг шиддати" ифодасида очиқ кўрсатилган. Маъшуқа – "гулбарги хандон" сифатида буни англаса, ошиқ кўнгли тасалли топади. Йиғламоқ

[1] бад - ёмон
[2] мубаддал – алмашинган, ўзгартирилган
[3] фаттон – фитна қилувчи, мафтункор
[4] Усрук - маст
[5] Суман – ёсмин сўзининг қисқаргани: оқ, сариқ рангли хуш исли гул

(“йиғларимнинг шиддати”) ва кулмоқ (“гулбарги хандон”) феъллари замирида ошиқ ва маъшуқанинг ўзига хос ҳолатларини намоён этиш туради.

Ёрнинг эзгу хислатлар билан ёдга олиниши тасодифий эмас. Бунинг реал асослари бор. Энг муҳими, дастлаб ёрнинг ўзи ҳам ошиққа бепарво ва лоқайд муносабатда бўлган эмас, балки аҳду паймон қилишга имкон яратган. Фақат бугун бу аҳддан қайтмоқда, холос. Шунинг учун ҳам ёр “бад аҳду паймон” сифатига “мушарраф” бўлмоқда:

Буки анинг аҳду паймонида мен ўлсам дағи
Яхши фурсат топсанг, ул бад аҳду паймонимға айт.

Ёрнинг-ку аҳду паймондан қайтганлиги аниқ. Ошиқда ўлмакдан бошқа имкон йўқ. Бу хабарни ёрга етказиш лозим бўлади. Сабонинг елкасига юкланаётган вазифалардан бири ҳам шу. Аммо бу вазифани бажариш учун истаган ҳаракатни қилиш мумкин эмас. Бунинг учун тегишли фурсат топилиши керак. Бу фурсатнинг эса, албатта, “яхши” бўлиши шартдир. Шундагина ёмон (“бад”) аҳду паймон эгасининг кўнглига озор етмайди. Шахс кайфиятидаги фоже ҳолатнинг бундай тиниқ ифодаси, албатта, ўқувчига таъсир кўрсатмай қолмайди.

Буки анинг зулфи зуннорида диним ҳосили
Куфр ила бўлмиш мубаддал, номусулмонимға айт.

Мусулмон мусулмонга зулм қилмайди. Аммо маъшуқанинг зулфи ошиқ динининг ҳосилидир. У куфрга алмашган. Куфрга алмаштирган шахс эса маъшуқадир. Шунинг учун ҳам у “номусулмон”дир.

Барибир, маъшуқа учун ошиқнинг жони ҳам, жаҳони ҳам садақа бўлади. Зеро, ошиқ учун маъшуқадан кўра “яхши жонон” мавжуд эмас:

Буки қилмишмен жаҳон-у жонни анинг садқаси,
Юз туман жону жаҳондин яхши жононимға айт.

“Жаҳону жон”нинг кейинги мисрада “жону жаҳон” тарзида қўлланиши фикрни шу сўзлар ифодалаётган маъно устида тўхташга мажбур қилади. Улардан кейин келаётган “жонон” эса ҳам “ж” товушининг, ҳам “он”ларнинг қўшалоқ ҳолда қўлланиши билан олдинги “он”ларнинг мусиқий оҳангдорлигига табиий тарзда қўшилиб кетади.

Ошиқнинг дил изтироблари сўнгсиз, адоқсиз. У маъшуқа учун “юз жон садқа” қилса ҳам ачинмайди, пушаймон бўлмайди. Аммо ёрнинг субутсизлиги, сўзининг устидан чиқмаслиги унга азият етказади, пушаймонликлар беради:

Буки юз жон садқаси қилсам пушаймон бўлмағум,
Васлиға бир ваъда қилғандин пушаймонимға айт.

Мазкур ғазалдаги ошиқ мумтоз адабиётимиздаги бошқа ошиқлар билан бир нуқтада ҳамфикр ва ўхшаш: у ўз ёридан бошқа гўзалларни тан олмайди. Бунинг сабаби ҳам яна ёрнинг ўзи - у гўзалликда тенгсиз, қиёссиз:

Буки юз минг фитна кўзлуг бўлса пайдо онсизин,
Қилмағум наззора ҳаргиз кўзи фаттонимға айт.

Кўз тасвири кейинги байтда яна давом этади. Энди у анъанавий тарзда “усрук” дейилади. Бу сузилган кўзнинг поэтик ифодаси. Аслида у луғавий жиҳатдан “маст, сархуш” маъносига эга. Бу кўз эгаси “эл қасдига”, демакки, бошқага қараган кўздир. Ошиқ учун ҳам энг изтиробли жиҳати шу - бу усрук кўзнинг ошиққа эмас, бошқаларга – “эл”га қарашидир:

Буки чок айлаб йоқа, усрук[1] чиқар эл қасдиға,
Мен ўлуб эл жон топар, бебоки нодонимға айт.

Маъшуқани инсофга чақириш мумкин. Шундай йўллардан бири умрнинг ўткинчи эканлигини, ҳусннинг абадий қолмаслигини эслатиш. Бунинг учун оламдаги, табиатдаги бошқа бир ҳодисалар эсга олинади, қиёсланади:

Даҳр боғи гуллари ҳуснин вафосиз эрканин,
Юзи гул, жисми суман, кўйи гулистонимға айт.

Бу ерда “даҳр боғи гуллари”нинг ҳам ўз, ҳам кўчма маънода қўлланганини қайд этиш керак. У ўз маъносида оламдаги гул – ўсимликларни англатади ҳамда уларнинг гўзаллиги муваққатлигини

[1] Усрук – маст, сархуш

таъкидлашга хизмат қилади. Кўчма маънола эса у гўзалларни, умуман, тирик жонларнинг барчасини ҳам англатаётгани кўриниб турибди.

Ниҳоят, ошиқ кўнгил ёрнинг таърифини яна бир поғонага кўтаради. Энди у “шоҳи сухандон” сифатида таърифланади. Биринчи маротаба шу ўринда ошиқ ҳам ўзининг асл қиёфасини ошкор этишга жазм этади, ўзининг “хушнаво булбул” эканлигини билдириб ўтишни лозим топади:

Эй Навоий, ҳеч гулшаннинг сенингдек хушнаво
Булбули йўқ эрканин шоҳи сухандонимға айт.

Ушбу ғазалда қўлланган сўзлар ошиқ ва маъшуқа ҳолатининг ўзига хослиги ва даражасини баҳолашнинг мезони бўлиб хизмат қилмоқда. Бу ерда маъшуқанинг ошиқ учун нақадар азиз ва қадрли эканлиги образли тарзда акс этмоқда.

Сабо бутун ғазал давомида иштирок этаётган образ. Унинг билвосита иштироки “айт” феъли орқали таъминланмоқда. Фақат охирги байтдагина унинг ўрнини бошқа мурожаат объекти – Навоий эгаллайди. Худди шу нарса ғазал композициясидаги яна битта кескин бурилишни ҳам англатади. Муаллиф мурожаат йўналишини ташқари(“сабо”)дан ичкари(Навоий)га қараб йўналтиради. Аслида, худди шу ўринда лирик қаҳрамон ва муаллиф шахсиятининг бирлашиб кетган ҳолати кўзга ташланади.

Маъшуқа ушбу ғазалдаги асосий нуқтани ташкил этади. Бутун тасвир унга қаратилган. Унинг борлиги, мавжудлиги лирик қаҳрамон “мен”ининг табиатини ҳам белгилаб туради.Унинг ғазалдаги тадрижий такомили қуйидагича содир бўлмоқда:



Буларнинг барчаси муаллифнинг ўз тасвир объектига нисбатан бепарво муносабатда бўла олмаслигини, балки ҳар доим муаллиф нуқтаи назарининг асар руҳиятидан келиб чиққан ҳолда турли шакл ва усулларга эга бўлишини кўрсатиб турибди.

Тошкент давлат педагогика университети,
2009 йил 10 сентябрда қабул қилинган